

БААда Туркия ва Суриядаги зилзила қурбонлари учун ғойибона жаноза намози ўқилади



17:33 / 10.02.2023 1602

Бирлашган Араб Амирликларидаги барча масжидларда Туркия ва Суриядаги зилзила қурбонлари учун жума куни ғойибона жаноза намози ўқилади. Бу ҳақда siasat.com нашри хабар берди.

БАА президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён зилзила қурбонлари учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам беришга буйруқ беришдан ташқари, қидирув-қутқарув гуруҳини юборди.

Жабрланганларга ёрдам беришни хоҳловчи БАА аҳолиси Туркиянинг Абу Дабидаги элчихонаси, Амирликлар Халқаро Қизил Ярим Ой, Турк Қизил Ярим Ой жамияти, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотларга хайр-эҳсон қилишлари мумкин.

Айни пайтда, расмийлар ва қутқарувчилар томонидан эълон қилинган сўнгги маълумотларга кўра, Туркия ва Суриядаги даҳшатли зилзилаларнинг қурбонлари сони 21,5 мингдан ошган.

Манба: azon.uz